

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМДА
ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

МОДУЛИНИНГ

ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК
МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР
МОДУЛИНИНГ

ЎҚУВ МЕТОДИК МАЖМУАСИ

Малака ошириш курси йўналиши:
Тингловчилар контингенти:
Барча йўналишлар
олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари

Тошкент – 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

О.Саидахмедова

“Ўзбек тилини ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси, ТошДўТАУ

Тақризчилар:

Н.Эгамбердиева

педагогика фанлари доктори, профессор, ТошДўТАУ,

Л.Ахмедова

филология фанлари доктори, профессор, ЎзДЖТУ

Ўқув-услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ Кенгашининг 2017 йил 26 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕР-ФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	24
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	58
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	73
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ	77
VII. ГЛОССАРИЙ.....	78
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	81

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритаётган профессор- ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни модернизatsіялаш, мақсадга мувофиқ ташкил этишга замин тайёрлайдиган илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, амалиётда қўллаш ва адаптатив варианtlарини ишлаб чиқиш компетентлигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги вазифаларни эътиборга олган ҳолда профессор- ўқитувчилар филологик таълим жараёнида таълим мазмунига боғлиқ ўзбек тили ва адабиётини ўқитишга доир илғор хорижий технологияларини қўллай олиши лозим.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ушбу курснинг асосий дидактик мақсади педагог кадрларни филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар фанининг ўзига хос хусусиятлари, филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асосларини инноваціон восита сифатида таништириш орқали уларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш, таълим-тарбия жараёнида илғор хорижий тажрибаларни мақсадга мувофиқ қўллаш учун зарур бўлган методик билим, кўникмаларни шакллантириш саналади.

- “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш;
- Ўқитувчиларда таълим-тарбия жараёнида филологик таълимда илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш учун ностандарт тест топшириқларини мақсадга мувофиқ тузиш ва амалда қўллаш учун зарур бўлган методик билим ва кўникмаларни таркиб топтириш;

Ўқитувчиларни ўз педагогик фаолиятини илғор хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда машғулотларни таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий-танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш;

Тингловчиларнинг методик билим, кўникма ва малакаларга

қўйиладиган талаблар:

“Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар фани мақсади ва вазифалари, қўлланиладиган соҳалари, тадқиқот методлари, педагогик жараённи назорат қилиш ва баҳолашда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг аҳамияти; педагогик жараённи ташкил этишда

фойдаланиладиган илғор хорижий тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятлари; алтернатив фикрлаш асосида муаммони гурухларда ҳал этиш модели, нейролингвистик дастурлаштириш, информатсіон материаллар устида ишлашга доир хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш; “Cooperative learning” (хамкорликда кичик гурухларда ўқитиш)нинг филологик таълимдаги ўрнини аниқлаш ва педагогик жараёнга татбиқ этиш, контекстли таълимни қўллашга доир илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этиш ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

- таълим-тарбия жараёнида илғор хорижий тажрибалардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш; педагогик жараённи назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланилайдиган илғор хорижий тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўз ўрнида самарали фойдаланиш; муайян гурух ёки микрогурухларда муаммони алтернатив фикрлаш асосида ҳал этиш яъни муқибил вариантлардан энг мувофиғини танлай билиш, кичик гурухларда хамкорликдаги таълимни ташкил этиш ва уни мақсадли мувофиқлаштириш; таҳсил олувчиликларда интеллект карталар – хотира “харита”ларини мақсадли равишда ҳосил қилиш ва уни муайян предмет ёки ҳодиса билан боғлай олиш ва шу асосда компетентликни ривожлантириш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

- информатсіон материаллар устида ишлашга доир илғор хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш **компетенцияларини эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникатсія технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:т маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

үтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

“Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар” модулининг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги барча курслар билан бевосита ва билвосита боғлиқ, яъни “Инноватсион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари”, “Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил” ўқув модуллари билан узвий боғланган.

Ушбу дастурда филологик таълим самарадорлигини аниқлашда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланишга имкон берадиган кичик гурухларда ҳамкорликдаги дарсларни ташкил этиш, нейролингвистик дастурлаштириш масалалари қамраб олинди. Мазкур курс машғулотларини ҳамкорликда ўқитиш, модулли таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўтказиш кўзда тутилади.

Модулининг андрагогик таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар алтернатив фикрлаш асосида муаммони ҳал этиш, филологик таълимда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

Т/р	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий	Мустакилий таълим
1	Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари	2	2	2		
2	Интеллект-карталар бўлажак филологнинг касбий компетентлигини ривожлантириш воситаси	2	2	2		
3	Нейролингвистик дастурлаштириш технологияси	2	2	2		
4	“Синектика”: алтернатив фикрлаш асосида муаммони гуруҳларда ҳал этиш модели	2	2		2	
5	Информатсион материаллар устида ишлашга доир хорижий тажрибалар	2	2		2	
6	“Cooperative learning” (хамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш)-нинг филологик таълим-даги ўрни	4	2		2	2
Жами		14	12	6	6	2

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари

Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари фани ҳақида тушунча, ривожланиш тарихи, фантармоқлари, филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари фанининг мақсади ва вазифалари, филологик

таълимда илгор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари, улардан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари.

Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган илгор хорижий тажрибалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, филологик таълимда илгор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг усуллари ва уларнинг ҳукуқий-меъёрий негизларини яратиш муаммолари.

2-мавзу. Интеллект-карталар бўлажак филологнинг касбий компетентлигини ривожлантириш воситаси

Интеллект-карталар касбий компетентликни ривожлантириш воситаси сифатида, интеллект-карталардан фойдаланиш усулларини амалиётга татбиқ этишда АҚШ тажрибаси, интеллект-карталардан фойдаланиш усулларини амалиётга татбиқ этишда Европа тажрибаси, интеллект-карталардан фойдаланиш усулларини амалиётга татбиқ этишда Осиё тажрибаси, интеллект-карталардан фойдаланиш орқали хотира “харита”сини шакллантириш.

3-мавзу. Нейролингвистик дастурлаштириш

Нейролингвистика филологиянинг мустақил соҳаси сифатида. Нейролингвистик дастурлаштиришда Брокка нуктасининг вазифаси. Билимларни ўзлаштиришда нейронуқталар фаолиятига таъсир ўтказишида хориж тажрибасининг аҳамияти.

АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. “Синектика”: алтернатив фикрлаш асосида муаммони гурухларда хал этиш модели

“Синектика” – муқобил ечимлардан энг мақбулини танлаш модели сифатида. Гурухларда муаммоли вазиятни ташкил этиш ва улардан педагогик жараёнда фойдаланиш йўллари. Маъруза, амалий, лаборатория, семинар

машғулотларда муаммоли таълимни ташкил этишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш

2- амалий машғулот. Информатсion материаллар устида ишлашга доир хорижий тажрибалар

Информатсion материаллар муаммоли таълимнинг асоси. Информатсion материаллардан маъруза машғулотларида фойдаланишга доир хорижий тажрибалар. Информатсion материаллардан амалий машғулотларида фойдаланишга доир хорижий тажрибалар.

3-амалий машғулот. “Cooperative learning” (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш)нинг филологик таълимдаги ўрни

Ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш таълим самарадорлигини ошириш омили. Ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитишда Европа тажрибасини қўллаш. Ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитишда АҚШ тажрибасидан фойдаланиш ва амалиётга татбиқ этиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
			1	“аъло”	“яхши”
1.	Ўқув лойиҳаси	1	1	0,8	0,6

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим оловчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим оловчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим оловчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим оловчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим оловчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим оловчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим оловчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим оловчиларда турли ғоялар

шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошлангич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда -янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий хужум” методининг тузилмаси

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қофозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий хужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий хужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшлиши қобилиятининг талаб этилиши.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш қўнимасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;

- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Case-study” - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: *Ким (Who), Качон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижса (What)*.

“Case-study” методини амалга ошириш босқичлари:

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<input type="checkbox"/> якка тартибдаги аудио-визуал иш; <input type="checkbox"/> кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); <input type="checkbox"/> ахборотни умумлаштириш; <input type="checkbox"/> ахборот таҳлили; <input type="checkbox"/> муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гуруҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; <input type="checkbox"/> асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гуруҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; <input type="checkbox"/> ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; <input type="checkbox"/> муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<input type="checkbox"/> якка ва гуруҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; <input type="checkbox"/> ижодий-лойиха тақдимотини

	тайёрлаш; □ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

“Хулосалаш” методи – мазкур метод мураккаб, кўптармоқли ва муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг хусусияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ҳамда уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Дейлик, муаммонинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Айни интерфаол метод танқидий, аналитик ва аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда системали баён этиш, ҳимоя қилиш имкониятларини яратади. “Хулосалаш” методидан маъruzаларда индивидуал ҳамда жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик групкалардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групкаларга ажратади

Тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларнинг тарқатади

Хар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил килиб, ўзмулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён килади

навбатдаги боскичда барча групкалар ўз таҳдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштириллади, зарурий ахборотлар билан тўздириллади ва мавзу якунланади.

“Ассисмент” методи: айи метод таълим олувчилар билим даражасини баҳолаш, назорат этиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга қаратилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (амалий кўникумалар, муаммоли вазиятларни ўрганиш, қиёсий таҳлил, тест, симптомларни аниқлаш) орқали аниқланади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” методидан маъruzаларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, айни вақтда, ўз-ўзини баҳолаш мақсади учун индивидуал шаклда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисментга булардан ташқари қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи – бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод кўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;

➤ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро хурмат.

Куйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласида.

5. Тахлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзаликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундаиди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва тахлил қилиш қобилиятиning ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.


“Вени Диаграммаси” методи – бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги боскичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз тахлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг тахлили эшитилгач, улар биргалashiб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини очиб берадилар.

“Муаммоли вазият” методи – таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси
“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим оловчиларга муаммони баён қиласди.

2. Таълим берувчи таълим оловчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим оловчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласди. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласди, уларни таҳлил қиласди. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим оловчиларда мустақил фикрлаш қобилияtlарини шакллантиради;
- таълим оловчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим оловчиларнинг билим ва қобилияtlарини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим оловчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивatsія талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- қўп вақт талаб этилади.

II. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари фани ҳақида тушунча ва мақсад ва вазифалари
2. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари, улардан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари
3. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг усуллари

Таянч иборалар: таълим, таълим жараёни, таълимнинг сифатини ошириш, таълим ва тарбия бирлиги, интегратсия, концептуал асос, илғор хорижий тажриба, масофавий таълим, маҳорат дарслари, вебинар дарс, эвристик методлар, элементар таълим.

1.1. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари фани ҳақида тушунча ва мақсад ва вазифалари

Инсоният цивилизацияси барча соҳаларда, жумладан таълим тизимида ҳам глобал ўзаро боғлиқлик даражасигача эришди. Ҳозирги кунда битта давлат ёки миллатнинг муаммоси бутун жаҳон ривожига катта таъсир этиши мумкин. Юзага келган экологик, иқтисодий, сиёсий муаммолар ва инқирозларнинг ечими фақатгина инсониятдан келажакда ақлий ва маънавий

ривожланишни талаб этади. Бунга эса фақатгина тўғри ва сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин. Бугунги кунда дунёда юзага келаётган барча муаммолар илдизи таълим-тарбия тизимидағи сифат нуқсонлари натижаси десак хато бўлмайди. Бунинг ечими таълим-тарбияга эътиборни янада ошириш, бу соҳага янада кўпроқ маблағ ажратиш орқали таълим сифатини юксалтириш билан ҳал этилиши мумкин.

“БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортигини ташкил этмоқда”¹. Лекин таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янада ижобийлиги педагогларнинг глобаллашув ва ахборотлашган жамият таълим тизими мазмун-моҳиятини нечоғлик тушуниб этишларига ва канчалик астойдил бажаришларига ҳам боғлиқдир.

Хозирги вақтда дунё илмида ижтимоий антропология, жамиятдаги инсоннинг ўрнини ўрганиш ва бунинг марказига инсонни қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Филологик фанларни ўрганиш ва ўргатишнинг хориж намунлари ҳам айни йўналишда эканлиги билан ажралиб туради. Биз ҳам мазкур жиҳатга алоҳида аҳамият қаратишимииз лозим. Тилшуносликнинг ижтимоий ҳаёт билан боғланишида ҳам бу соҳаларнинг ўзига хослигидан ташқари социал, хусусан, маданий антропология билан яқинлашиб боради. Дунё филология илми ҳам айнан мана шундай йўналишларда бормоқда.

Инсоният жамияти, шунингдек, республикамида мавжуд ижтимоий-итисодий, ғоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш табиий, ижтимоий, техник фанларни ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро муносабатларига боғлиқ. Чунки, уларнинг барчаси моҳияти, мазмуни, табиати, шакли ва кўламига кўра тизимлилик характеристига эга бўлиб, уларга айнан мос ёндашув ёрдамида тадқиқ этилиб, ечими топилади. Бу ўз навбатида таълим-тарбия ишида ҳам тизимли ёндашувдан фойдаланишни кўзда тутади.

¹ Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

Кўп сонли манбалар, хусусан педагогик амалиёт соҳаларининг таҳлили таълим-тарбия жараёнининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжудлигидан гувоҳлик беради. Булар асосан, ўрганилаётган обьектларнинг баъзи бир жиҳат ва хусусиятларини лавҳалар (фрагмент) шаклида ўрганиш натижасида юзага келиб, мантиқан боғланмаган ва тизимлашмаганлигидадир. Амалиётдаги бундай ҳолатларни бартараф этишда интегратив ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Филологик таълимда илгор хорижий тажрибалардан бири бу – таълимни интегратив ташкил этилиши билан боғлиқ.

“Интегратсия” тушунчаси XVIII асрда Г.Спенсер томонидан қўлланилган. Илмийлик нуқтаи назаридан олиб қараганда интегратсиянинг асосини оламнинг яхлитлиги ва уни ташкил этувчи қисм (элемент)ларнинг ўзаро алоқадорлиги, муносабатлари ташкил этади. Таниқли рус психологик олими Г.С. Костюкнинг фикрича: “Табақаланиш дифференциация - руҳий жараёнлар ва ҳолат (хусусият)ларни кўпайишига олиб келса, интегратсия - тартибга келтириш, субординатсия ва унинг натижаларини маълум кетма-кетлиқда жойлаштиришга олиб келади. Интегратсиялаш йўли билан янги психологик жараён, янги фаолият тузилмаси ҳосил бўлади. Бу янги тузилма илгари алоҳида-алоҳида бўлган элементлардан синтезлаш йўли билан ҳосил қилинади”. Генетик жиҳатдан интегратсия-узвийлик, предметлараро алоқадорлик, ўзаро алоқадорлик ва ниҳоят ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чуқурлаштирувчи, ўқув предметлари мазмунини энг камида таълим стандартлари даражасида синтезлаб, мантиқан тугалланган мазмун шакли ва олий даражасидир. Чунки предметлараро алоқадорликнинг ҳар қайси қуи даражаси, ўрганилаётган ўқув предметлари доирасида маълум дидактик бирликлар орасида ўрнатилиб, уларни ўрганиш мазмунини ва муддатларини мувофиқлаштиришни кўзда тутади, бундан фарқли ўлароқ интегратив алоқадорлик асосида ташкил этилган ўқув предмети ёки интегратсиялаб ўрганилаётган предмет, ҳодиса ёки жараёнларни яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назаридан

талқин этишни талаб этади. Бу ўз навбатида ҳозирги ва истиқбол талабларига жавоб берадиган, мустақил фикр юритувчи ва ижодий фаолият кўрсатувчи, малакали мутахассис шахсини шакллантиришга имкон беради. Чунки у таҳсил олувчилардан фақатгина таҳлил қилиш ва синтезлаш оператсияларини талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мавхумлаштириш, алгоритмлаштириш, туркумлаш, шартли белгилар ёрдамида ифодалаш, сабаб оқибатли алоқадорликни аниқлаш, таҳлил этиш, синтезлаш, тизимлаштириш, моделлаштириш каби юксак даражали тафаккурлаш оператсияларини талаб этади. Бу оператсиялар ўрганилаётган объектни барча муҳим жиҳат ва хусусиятларини ажратиб олиб (табақалаштириб), моҳияти ва мазмунини англаб этиш ва уларни умумлаштириш орқали амалга оширилади. Демак, интегратсия ҳар доим ҳам унинг иккинчи томони бўлган табақалаштириш (дифференциатсия)га таянган ҳолда ривожланиб боради ёки аксинча.

Интегратсия масаласини педагог олимлар ва амалиётчилар қуйидаги йўналишларда тадқиқ этишни тавсия этадилар:

- ўкув предметлари ва фанлар туркуми доирасидаги мазмунни интегратсиялаб ўрганиш;
- турли ўкув предметларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интегратсиялаш;
- таълим-тарбия ишини ташкил этиш шаклларини интегратсиялаш ва шу кабилар.

Бу йўналишларнинг ҳар бирининг аниқ ўз мақсади бўлиб, уни амалга ошириш учун мос шакл, метод, восита ва шарт-шароитларни талаб этади. Амалиётда улардан уйғун ҳолда фойдаланилганда гина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини ҳам шу ўринда эслатиб ўтиш лозим.

1.2.Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари, улардан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари

Яхлит тизимни тузишда интегратсияланувчи алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни ички илмий алоқадорлик ҳам деб аталади.

Тизимлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ички илмий алоқадорликни тартибга келтириш йўли билан яхлитликни юзага келтиришдан иборатдир. Бу жараёнда ҳосил бўладиган яхлитлик янги сифат кўрсатгичларига эга бўлади. Интегратсіялаштиришнинг моҳияти, назарий синтез воситаси сифатида янги даражадаги билиш натижаларига эришишdir.

Мутахассисликка оид фанларни интегратсіялаб ўрганиш қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган:

- мутахассисликка оид фанларни интегратсіялаб ўрганишнинг моҳияти, мазмуни ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари ва воситаларини ўрганиш;
- турли фанлар мазмунини интегратсіялаштиришнинг илмий-назарий ва педагогик-услубий асослари билан танишиш;
- таҳсил олувчиларнинг ўкув-билиш фаоллиги, мустақиллиги ва билимлар даражасини интегратив оширишда билимларнинг долзарбилигини исботлаш;
- ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, руҳий-педагогик, техник-технологик билимларни синтезлаш талаблари, имкониятларини аниқлаш.

Таълим-тарбия жараёнида интегратив ёндашувни амалга ошириш тизим ёки мавжуд шаклдаги яхлит объектнинг ички ва ташқи алоқалари, уни ташкил этиш ва бошқариш қонуниятларини билган ҳолда олиб борилиши мумкин. Кичик мутахассисларни тайёрлашда интегратив ёндошув мутахассисликка оид билим, иш-харакат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилади².

Интегратив ёндашув мазмунан туташ, алоқадор, мантиқий бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирига сингиб чукурлаштирувчи ва кенгайтирувчи ўкув фанларини интегратсіялаш учун қўлланилиб, яхлит мантиқий мукаммал билим, иш-харакат усуллари ва шахсий сифатларни таркиб топтиришни кўзда тутади.

² И.Н.Зорников, Л.П.Волкова. Проблемы и перспективы международной интеграции высшего образования.- Воронеж, 2009. С. 13-18.

Филологик таълимда интегратсияни қўллаш билимларнинг умумлашуви ва уларнинг онгда тизимли ҳолатда мавжуд бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги замон талаби эса янги ўқув муҳити, яъни янги информатсион технологиялар ёрдамида ихтиёрий жойда туриб билим олиш, ихтиёрий ўқув юртлари билан алоқа қилиш ва жаҳоннинг ихтиёрий нуқтасидаги маълумотларни олишдир. Бунда бизга интернет тизими ёрдам бериши мумкин. Интернет тизими орқали таълим тизими ташкил қилинган мактаблар, коллежлар ва ўқув юртлари ҳозирги кунда ривожланиб бораётган "виртуал ўқув юртлари"га бирлашаётганини кузатиш мумкин. Бу эса ўқув муассасалари орасидаги масофани қисқартиради ва маълумотлар алмашинувини максимал даражада таъминлайди. Шу жиҳатдан масофавий таълим филологик таълимда таълим беришнинг ва олишнинг жуда зарур ва тезкор тури сифатида оммалашди.

Масофавий таълимда ўқитувчи функциясини ўргатувчи ва синовчи воситалар (тўла автоматлаштирилган, тугал дастурий маҳсулотлар) бажаради, шунингдек, ўқитишнинг автоматлаштирилган муҳитини ташкил этувчи видео ва электрон нашр этилган услубий материал бажаради.

Электрон дарсликнинг имкониятларини мультиплексация ва видеотехниканинг замонавий воситаларини қўллаган ҳолда кенгайтириш мумкин. Булар ўқув курси бўйича видеомаърузалар, ишлаб чиқариш жараёнларининг намойиши, машҳур олимларнинг чиқишлиари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Замонавий компьютерга мўлжалланган дидактик дастурлар (электрон дарслик, компьютер топшириқномалари, мултимедияли электрон дарсликлар ва бошқалар) ўқитишнинг мултимедияли воситалари сирасига киради. Мултимедия дидактик материал узатишни юқори даражада қулай ва кўргазмали бўлишини таъминлайди, бу, ўз навбатида, талабаларда ўрганишга қизиқиши ортиради.

Яқин вақтларгача масофавий таълим, сиртқи таълим, очик таълим ва ҳоказолар каби тушунчалар деярли бир-биридан ажратилмас эди. Бироқ

ҳозирги вақтга келиб, масофавий таълим ўз аҳамияти ва зарурлигини исботлади. Бироқ ҳозиргача бу таълим шаклими ёки технологиями деган саволлар долзарблигича қолмоқда. Чунки, бу саволнинг тушунчасидан масофавий таълимнинг стратегияси, амалга ошириш тактикаси ҳамда ўқитувчиларни масофавий таълимда ишлашга тайёргарлигига боғлиқ бўлади.

1.3. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг усуллари

Ҳозирги вақтда масофавий таълимнинг тадқиқотчи ва амалиётчилари томонидан унга қўйидагича асосий таъриф бериб келинмоқда:

Масофавий таълим – бу ўқув материалининг етказиб берилишида, мустақил ўрганишида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мулоқот алмашинувида қўлланиладиган, анъанавий ва янги ахборот технологияларни ҳамда уларнинг техник воситаларини кенг қамровда ишлатилишидаги таълимнинг синтетик, интеграл, ижтимоий шаклидир.

Масофавий таълим кундузги таълим мазмунидаги каби мос равишда ўша мақсадлар билан қурилади (агар у таълимга мос келувчи дастур бўйича қурилса), лекин материални етказиш шакли, ўқитувчи ва ўқувчилар, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро ўртасидаги таъсир этиш шакли бошқача бўлади. Масофавий таълимнинг асосий базавий дидактик принциплари бошқа таълим турлари кабидир, лекин масофавий таълимнинг ташкилий принциплари бошқачадир, улар масофавий таълим учун хосдир, чунки шакл хусусиятлари, интернетнинг ахборот воситаси имкониятлари, унинг хизматлари (чатлар, форумлар, электрон почта, видеоконференция) билан ифодаланган. Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида модуллилик, ўқитувчи ролини ўзлаштириш, ўқув жараёни субъектларининг масофа билан ажратилганлиги, таълимнинг виртуал кооперативлиги, ўқитувчи томонидан юритиладиган назорат устидан ўз назоратини ўрнатиш, замонавий маҳсус таълим технологиялари ва воситаларининг ишлатилишини келтиришимиз мумкин.

Масофавий таълим ишлатилишининг асосий соҳаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- маълум соҳалар бўйича педагогик кадрлар малакасини ошириш;
- имтиҳонларни эксперт усулида топширишда алоҳида ўқув фанлари бўйича мактаб ўқувчиларини тайёрлаш;
- маълум йўналишдаги ўқув муассасаларига ўқишига кириш учун мактаб ўқувчиларини тайёрлаш;
- мактаб ўқувчиларининг йўналишлар бўйича таълим олишларини ташкил этиш;
- қизиқиши бўйича қўшимча таълим олиш;
- кадрларни касбга қайта тайёрлаш;
- касбий тайёргарлик.

Масофавий таълим билан кундузги ва сиртқи таълим шаклларини таққослаб, шуни хуноса қилиш мумкинки, масофавий таълимни, персонал компьютерлар, видео ва аудио техника, космик ва оптик толали техниканинг ишлатилишига асосланган таълимни ахборот технологиялари билан таъминланган сиртқи ва кундузги таълим ривожланишининг янги босқичи сифатида кўриш мумкин. Масофавий таълим сиртқи таълим шаклидан шуниси билан фарқ қиласдики, унда материалнинг моҳиятли қисми мустақил ўзлаштирилмасдан, ўқитувчи билан доимий мулоқотда амалга оширилади (телефон ва интернет, маъруза ва семинарларда онлайн режимидаги консультатсиялар). Шунингдек, масофавий таълимнинг сиртқи таълим шаклидан асосий фарқлари сифатида қўйидагиларни киритиш мумкин:- телекоммуникатсия воситалари ёрдамида ўқитувчи билан доимий мулоқот, вужудга келадиган саволлар бўйича у билан оператив тарзда мулоқот қилиш имконияти. Ривожланган давлатларда янги типдаги ўқув юртлари мавжуд. Бундай ўқув юртлари “очик”, “масофали” университет, “электрон”, “виртуал” коллежлар деб номлана бошланди. Улар ўзига хос ташкилий структурага эга бўлиб ўзига мос педагогик усул, иқтисодий механизмлардан фойдаланилади.

Бундан ташқари, АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқиши мухим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олган иккинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидаги касбий таълим) табиий равищда бирлаштирилган.

МДҲ давлатларида фақатгина 1 миллионга яқин одам масофали таълим тизимида ўқитилади. Мисол учун 40 та инженерлик мактабларидан консорсиум ташкил этувчи Миллий технологик университет 90-йиллардаёқ масофали таълим методи билан 1100 талабаларни магистр даражасига тайёрлашни таъминлади. Масофали таълим учун АҚШда телевидениедан кенг фойдаланилади. ПБС-ТВ оммавий телекўрсатувлар тизими доирасида миллиондан ортиқ талабалар ўқитилади. Катталарни ўқитиш дастури фан бизнес бошқарув курсларини ўз ичига олади. Бизнес молия ва АҚШдан чиқишиз ҳукуқи соҳасида бакалавр магистр ва доктор диплом ҳамда илмий даражаларини олиш билан америка Кеннеди-Вецери университетидаги масофали ўқитиш дастури таълим хизматлари орасида алоҳида ўрин тутади. Дастур халқаро тан олинган мавқеини олишни истаган бизнесменлар ва банкирлар учун мўлжалланган. Майк Харт томонидан бошқариладиган Иллиное штати Бенедикт коллежи “Гуттлер берг” лойиҳаси АСЧ-файллар 60 кўринишида классик асарларни иложи борича кенг аудиторияга етказиш мақсадини ўз олдига қўяди. Америка таълим хизматларини таълим хизматлар бозорида тақдим этишда БМИ (Business Management International) - Калифорния штатида (АҚШ) Сан-Франциско шаҳрида штаб-квартирасига эга ихтисослаштирилган америка консалтинг компанияси катта фаоллик кўрсатмоқда. Шундай қилиб масофали таълим фаолиятига келтирилган мисоллардан Ғарбда масофали таълимнинг ривожланиши асосий тенденцияси масофали таълим тизими орқали тақдим этиладиган таълим хизматларининг кенглиги ва турли хиллиги ҳисобланади деган хulosага

келиш мумкин. Бундан ташқари масофали таълимнинг ривожланиши ахборот ва телекоммуникатсия технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Демак, филологик таълимда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш Миллий таълим тизимида жаҳон стандартларидан боҳабарлик асосида ўқитишнинг энг самарали усуллари билан бойитиб боришни мақсад қиласди.

Назорат саволлари:

1. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Таълимга илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг қандай концептуал асослари мавжуд?
3. Хорижий тажрибаларидан фойдаланишга доир қандай муаммолар мавжуд?
4. Таълимда интегратсиялашув қандай натижаларни берди?
5. Масофавий таълимни анъанавий таълим билан табиий бирлаштириш қандай амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инноватсіон технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.
2. И. Н. Зорников, Л. П. Волкова. Проблемы и перспективы международной интегратсии высшего образования.-Воронеж, 2009. С. 13-18.
3. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Environment: School Discipline and Comparative Perspective. Stanford University Press, USA: 2012.
4. H.Fry, S. Kettleridge, S.Marshall. Handbook For teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инноватсіон технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 -160 б.

2-МАВЗУ: ИНТЕЛЛЕКТ- КАРТАЛАР БЎЛАЖАК ФИЛОЛОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

РЕЖА:

1. Интеллект-карталар ва уларнинг қўлланилиш соҳаси
2. Интеллект-карта ёрдамида мақсадли режалаштириш кўнималари
3. Интеллект-картани қўллаган ҳолда ақлий ҳужум уюштириш
4. Интеллект-хариталар ёрдамида қарорларни қабул қилиш

Таянч иборалар: интеллект-карта, ижодкорлик, асосий тушунча, лойиҳаларни режалаштириш, мураккаб лойиҳа, “mind map”.

2.1. Интеллект-карталар ва уларнинг қўлланилиш соҳаси

Интеллект картаси – намойишларни ўтказиш, қарор қабул қилиш, ўз вақтини режалаштириш, катта миқдордаги маълумотларни эсда сақлаш, ақлий ҳужумларни ўтказиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, мураккаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мустақил таълим, ривожланиш ва шу каби вазифаларни ҳал этишда ажойиб восита бўлиб хизмат қиласи. Интеллект-карталарни дарсларда қўллашга оид дастлабки тажрибалар Тони Бьюзен томонидан амалга оширилган. Т.Бьюзен “Superthinking” асарида интеллект-картанинг деталларини белгилаган: 1) асосий фикр, муаммо ёки сўз марказга жойлаштирилади (у расм кўринишида, белги ёки сўз кўринишида); 2) расмлар марказий фикрни ифодалashi керак; 3) ҳар бир тармоқ турли ранг билан белгиланиши керак; 4) картани тайёрлашда фақат рангли қалам ёки


маркерлардан фойдаланилади; 5) асосий тармоқлар марказдаги асосий түшунча билан боғланади, кичик тармоқлар эса асосий тармоқларга боғланади; 6) ҳар бир тармоққа фақат биргина калит сүз ёзилади; 7) интеллект-картани ҳосил қилишда ассоциатив түшунчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Интеллект- карталарнинг қўлланиш соҳалари:

- маъruzalарнинг аниқ ва тушунарли конспектларини яратиш;
- китоб/дарсликларни ўқишида максимал самарага эришиш;
- реферат, курс лойиҳалари, диплом ишларини ёзиш.

Таълим доирасида интеллект- картани қуидаги вазифаларни бажаришда қўллаш мумкин:

- Конспектлаштириш: дарслик, китоб, мақолаларни; Эшлиш орқали маъruzаларни.
1. Мақола/реферат/курс ишларини ёзиш.
 2. Таҳлил/тушуниш.
 3. Эсда сақлаш.



Конспектлаштириш.

Кўпинча, дарсликни ўқийсиз, тушунгандай бўласиз, бироқ ўқиганингиздан 3-4 ҳафта вақт ўтгач, имтиҳонлар тугагач, барчаси

ёдингиздан кўтарилиб кетади. Бутун маълумотни эсга солиш учун 200-300 сахифали дарсликни яна қайтадан ўқиб чиқиш лозим бўлади.

- 2-3 сахифали конспектга кўз югуртириб, 200-300 сахифали ўқиб бўлинган маълумотни 90% аниқликда қайта тиклашни хоҳлаймиз.
- Айнан мана шу имкониятни бизга Интеллект-карта беради.

Мақола/реферат/курс ишларини ёзиш.

Кўпинча оқ қоғозга қараб турдиган ва илхом парисининг келишини кутдиган, бироқ у йўқ ва яна йўқ... Ёки ёзиб, ёзиб боши берк кўчага кириб қолдиган ... матнни давом эттиришга фикр йўқ. Нима қилиш керак, бундай ижодий боши берк кўчадан қандай чиқиб кетиш мумкин?

Янги усул: дастлаб мақолангизнинг режасини интеллект-карта кўринишида хомаки ёзиб кўринг. Сўнг мана шу хомаки қолипга қолган матнни жойлаштиринг.

Таҳлил/тушуниш.

Баъзан матндан бир сахифа ўқийсиз, лекин ҳеч нарсага тушунмайсиз. Яна бир моратаба ўқийсиз... Яна тушунмайсиз. Ёки муаллифнинг фикрлари жуда мураккаб, жуда чалкаш... Бу фикрларни узвий кетма-кетликда хотирада сақлаб қолиш зарурати юзага келади.

Картани қўллаш қўйидагиларга имкон яратади:

- а) муаллиф фикрларини яхши илғашга;
- б) муаллиф йўл қўяётган мантиқий хатолар ва қарама-қаршиликларни кўра билишга;
- в) матнни яхшироқ таҳлил қилишга;
- г) ўз фикрлари билан тўлдиришга;
- д) ...

Баъзан қандайдир маълумотни эслаш талаб этилади (узоқ муддатли хотирага). Бунга ҳам интеллект-карталар ёрдам беради, яъни матннинг 100 сахифаси эмас, балки 100 та калит сўз эсга олинади. Карта узоқ муддатли хотирада сақланиши учун бир неча марта такрорланиши зарур.

Тони Бьюзеннинг фикрича: ўқишдан бир соатдан сўнг ўтилган материални тақорлаш учун қуийдаги тавсиялар берилади:

- 10 дақиқадан сўнг – 10 дақиқа давомида тақорлаш.
- 1 суткадан сўнг – 2-4 дақиқа давомида тақорлаш.
- 1 ҳафтадан сўнг – 2 дақиқа давомида тақорлаш.
- 1 ойдан сўнг - 2 дақиқа давомида тақорлаш.
- 3 ойдан сўнг - 2 дақиқа давомида тақорлаш.
- 6 ойдан сўнг - 2 дақиқа давомида тақорлаш.
- 1 йилдан сўнг - 2 дақиқа давомида тақорлаш.

Натижада ўзлаштирилган материал узоқ муддатли хотирада мустаҳкамланади.

Тақорлаш қуийдагиларни назарда тутади:

- хотира бўйича картани яратиш,
- шундан кейингина эслаганингизни ҳақиқийси билан таққосланг.

Тақдимотлар.

Тақдимотларни тайёрлаш ва ўтказишида интеллект-карталар деярли ҳар бир босқичда ёрдам беради:

1. Материални йиғиш ва таҳлил қилиш.
2. Чиқиш режасига тайёрланиш.
3. Интеллект-картани кўргазмали қурол сифатида қўллаш (жадваллар, слайдлар).
4. Интеллект-карта кўринишдаги тарқатма материаллар.

Манбани тўплаш ва таҳлил қилиш.

Яхши нотиқ чиқишга тайёрланади. Яъни китоблар, мақолаларни ўқииди... улардан кўчирмалар тайёрлайди, бу турли-туманликда чалкашиб қолмаслик учун буларни интеллект-карталар кўринишида тайёрлаш самаралидир.

Кўргазмали қурол сифатида қўллаш (плакат, слайд).

- тингловчилар худди гипнозлангандек, доскага қараб ўтиришади (деразадаги қушларга эмас);
- агар тингловчи чалғиса – картага қараб тақдимотнинг ўтказиб юборган қисмини тезда тиклайди;
- тингловчи умумий ғояни миясида сақлаши осонроқ. “Дараҳтларни эмас, бутун ўрмонни” кўриш;
- фикрни тушунтириш учун кам вақт талаб этилади;
- тингловчилар асосий ғоя ва тақдимотдаги далилларни яхши эсда сақлаб қолади.

2.2. Интеллект-карта ёрдамида мақсадли режалаштириш кўникмалари

Тажрибадан маълумки, матн кўринишидаги тарқатма материални ҳеч ким ўқимайди. Агар тарқатма материал схема кўринишида бўлса, ҳеч бўлмагандаги назар солишади. 20 саҳифа талаб этиладиган жойга баъзан 20 та калит сўзли 1 саҳифа етарли бўлади. Ва бу 1 саҳифа одатий 20 саҳифали тарқатма материалдан кўра кўпроқ маълумотни тезроқ хотирлашга имкон яратади.

Режалаштириш.

- Вақтни бошқариш: кун, ҳафта, ой, йиллик режа...
- Мураккаб лойиҳаларни ишлаб чиқиши: янги бизнес...


Интеллект-карта ёрдамида режалаштириш.

Интеллект-карталар ўз ҳаётингизни режалаштиришда ҳам қўл келади. Кўпинча, икир-чикирлар уммонида бутун манзара кўринишини йўқотиб қўямиз, режани интеллект-карта кўринишида тузиш вазиятнинг умумий кўринишини қайтариш имконини яратади.

Лойиҳаларни режалаштириш.

Лойиҳани асосий ва қўшимча босқичларга ажратиб чиқиши. Бу босқичларни картада акс эттириш. Лойиҳани ўзининг туғилган кунини

нишонлаш ёки дўконга чиқиш билан бошлаб, компаниянинг очилиши билан тугатишни режалаштириш мумкин.



Вақтни режалаштириш.


Режани кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик, бутун ҳаётга тузиш... Ишнинг энг муҳимларини белгилаш. Режа қанчалик мувозанатлашганлиги ва ҳаётнинг турли жиҳатларига дахлдорлиги.

Даромадни режалаштириш.

Даромад карта кўринишда акс эттирилганда – бутун кўриниши намоён бўлади. Харажатларнинг муҳимларини ажратиб олиш осон бўлади. Даромадни назорат қилиш осон бўлади.

2.3. Интеллект-картани қўллаган ҳолда ақлий хужум уюштириш

“Бир калла яхши, иккитаси ундан яхши”, деган халқ мақоли фақатгина бу бошлар бир-бирига халақит бермасдан, бир-бирига ёрдамлашган тақдирдагина аниқ натижаларга эришиш мумкинлигини ёддан кўтармаслик зарур. Ақлий хужумни интеллек-карта кўринишида ўтказишнинг асосий босқичларини белгилаб оламиз.



“Ақлий ҳужум” интеллект-картаси

1-босқич. Мавзуни танлаш.

Бу босқичда бизнинг ўйлашимиз учун асосий йўналишлар белгилаб берилади. Интеллект-карта атамаси орқали биз асосий ғояни акс эттирувчи марказий образни яратамиз. Мақсад. Чегара. Мезонларни аниқ белгилаб олиш зарур... Зеро ақлий ҳужум вақтида юзага келадиган ғоялар айнан биз хохлаётган вазифани ҳал этишга ишласин.

2-босқич. Индивидуал ақлий ҳужум.

Анъанавий шаклда ҳамма биргаликда йиғилиб, доскага барча мавжуд ғояларни ёзишади (танқидларсиз). Амалиётда эса одатда тескари натижани кузатамиз – одам кўплиги сабабли кимдир жим туради, кимдирнинг сўзини ҳеч ким эшитмайди, кимдир ўзига эътиборни жалб қиласеради, кимдир фикрларда чалкашликларга йўл кўяди... ва гурух фаоллиги факат халақит

беради. Яхшиси, ҳамма алоҳида бўлиши лозим. Вазифа устида бош қотириш керак. Барча фикрларни интеллект-карта қўринишида ёзиш зарур.

- Анъанага кўра – дастлаб “ғояларни” қораламага тушириб оламиз.
- Сўнг оқламага кўчирамиз.

3-босқич. Жамоавий интеллект-картани яратиш

Жамоа аъзолари бир ерга жам бўладилар. Улардан ҳар бири 2-босқичда яратилган ўз карталарини олиб келади. Ватман олинади. Ва энди умумий интеллект-карта яратилади.

Бу босқичда энг муҳими:

- Индивидуал картадаги **БАРЧА ҒОЯЛАРНИ** умумий картага ёзиш!!!
Барча-барчасини! Ҳеч бир ғоя, ҳатто энг “маъносизи”ни ҳам ташламаслик!
Танқидсиз. Ёки булар учун картада “ғалати ғоялар” деган алоҳида шохча яратамиз.
- Умумий картада ранглар, рамзлар, кодларни мослаштириш мумкин бўлади.

Натижада барча иштирокчиларнинг ғояларини умумлаштирилган катта харита юзага келади. Умумлаштириш жараёнида яна қандайдир ғоялар юзага келса, шу вақтнинг ўзида улар киритиб кетилади.

4-босқич. Инкубатсия (яширин давр)

Энг зўр ғоялар асосан тушда келади. Шунинг учун бу жараён иштирокчиси бир муддат чалғиши керак. Бошқа ишлар билан шуғулланиши, дам олиши... Бу вақтда эса уларнинг онгости секингина ишлашда давом этади.

5-босқич. Иккинчи редакция

5.1. 2- ва 3-босқичларни такрорлаймиз.

5.2. босқичда ақлий ҳужумнинг ҳар бир иштирокчиси маңба сифатида ўз харитаси, ўзининг икки рақибининг харитаси, З индивидуал ва “инкубатсия” даврида юзага келган қатор фикрларни умумлаштирувчи умумий харитага эга.

Иштирокчи бунинг асосида муҳокама қилинаётган мавзу юзасидан ғоя ва фикрларини ёзиб, яна бир бор ўзининг харитасини яратади.

5.3 босқичда муҳокама қилинган масала юзасидан тўплашга муваффақ бўлинган бирлаштирувчи маълумотни йиғиб, яна бир бор умумий харита яратилади.

6-bosқич. Қарорларнинг таҳлили ва қабул қилиниши


Аёнки, хаританинг ўзи сиз учун ҳеч қандай қарор қабул қилмайди. Харита масала тўғрисидаги бутун маълумотни шундай тўплайдики, уни бир кўз ташлашда илғаш мумкин бўлади ва у билан ишлаш осон кечади. Қарорни эса ақлий ҳужум иштирокчилари қабул қиласди.

Лекин амалиётдан маълум бўлишича, агар ақлий ҳужум жараёнида юзага келган ғояларни айнан интеллект-харита кўринишида тўпланса,

- у ҳолда у билан ишлаш қулай бўлади,
- муҳокама жараёнида ҳеч бир ғоя тушиб қолмайди,
- янги ғоялар осон яратилади, яъни хаританинг ўзи янги ғояларни юзага келтиришга ёрдам беради (муҳокама орқали янада мазмунга бой ва самарали бўлади).

Қарорларни қабул қилиш

- барчани “тарафдор” ва “қарши” сифатида кўришга;
- нисбатан чуқур ўйланган қарорлар.




2.4. Интеллект-хариталар ёрдамида қарорларни қабул қилиш

Интеллект-хариталар мунозара ҳолатида асосли қарорларни чиқаришга ёрдам беради: “сотиб олмоқ – сотиб олмаслик”, “бориш – бормаслик”, “ишини ўзгартириш - ўзгартирмаслик” ва ҳоказо.

Интеллект-хариталар бир варакдаги барча маълумотларни бир кўз ташлашда тўплаш имконини беради. У ёки бу қарорнинг яхши ва салбий томонларини назардан қочирмайди.

Ассоциатив тафаккурни фаоллаштириш анъанавий таҳлилда назардан четда қолган муҳим омилларни эътиборга олиш имконини беради. Харитани яна бир бор кўриб чиқиш лозим. Кўзларни юмиш. Хаёлан бир танловни бир кўлга, бошқа танловни бошқасига қўйиш. Ва ўз танамизга, ўз интуициямизга қарор қабул қилишга имкон бериш (қайси кўл оғирроқ эканлигини ҳис қилиш). Агар қарор ҳали қабул қилинмаган бўлса, барча альтернативалар бир хил бўлса, у ҳолда икки танловдан ҳар бири teng қийматга эга бўлади ва бирини танга ташлаш йўли билан танлаш мумкин бўлади. Танга ташлаш жараёнида ҳар қандай ҳолатда ҳам барибир ўз ҳис-туйғуларингизга қулоқ солинг. Агар “чикка” ёки “пукка”

тушган ҳолатда ҳам, сизде бўладиган дастлабки реакцияга қараб бирон-бир қарор қабул қилинади.



Назорат саволлари:

1. Интеллект-карта қайси соҳаларда қўлланади?
2. Интеллект-картани ҳосил қилишда қандай деталлардан фойдаланилади?
3. Т.Бьюзен интеллект-картадан фойдаланишининг қандай усулини таклиф этган?
4. Интеллект-картанинг қандай қўринишлари мавжуд?
5. Интеллект-карта ёрдмида қандай қилиб лойиҳалар режалаштирилади?
6. Интеллект-карталар филологларнинг касбий компетентлигини оширишида қандай рол ўйнайди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Urazova M. B., Khodjaev B. Kh. Intellect cards as a development factor of a professional competence of future teachers.
<https://cyberleninka.ru/article/n/intellect-cards-as-a-development-factor-of-a-professional-competence-of-future-teachers>
2. Бьюзен Т., Бьюзен Б. Супермышление. - Минск: Попурри, 2003. - 211с.
3. Архангельский Г. Тайм-драйв: Как успевать жить и работать. - М.: Манн, Иванов и Фербер, 2005.

3-МАВЗУ: НЕЙРОЛИНГВИСТИК ДАСТУРЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

1. Нейролингвистик дастурлаштириш – алоқа ва шахсий фаоллик жараёнини ўрганувчи технология сифатида.
 2. Нейролингвистик дастурлаштириш технологиясининг таълим жараёнида қўлланилиши.
 3. Нейролингвистик дастурлаштиришнинг айрим усул ва техникалари.

Таянч иборалар: нейролингвистика, нейролингвистик дастурлаштириш, “аъло даражадаги коммуникатив санъат”, тажрибалар “тўплами”, “чегарасиз харита”.

3.1. Нейролингвистик дастурлаштириш – алоқа ва шахсий фаоллик жараёнини ўрганувчи технология сифатида

Нейролингвистик дастурлаштириш (Neuro-Linguistic Programming (NLP) 1970 йилда яратилган бўлиб, фанда алоқа ва шахсий фаоллик усули сифатида намоён бўлган. Тез фурсат ичида бу усул таълим жараёни, бошқарув соҳаси ҳамда мураббийликда кенг қўлланадиган усуллардан бирига айланди. Аслида кичик кичик академик тажриба амалиётнинг инноватсия соҳаларидан бирига айланишига сабаб бўлган.

Нейролингвистик дастурлаштириш (НЛД) асли соҳаси математик ва гештальт терапевти Ричард Бандлер ва филология фанлари доктори,

профессор Жон Гриндер томонидан Санта Круз университетида кашф этилган.

Ричард Бандлер ва Жон Гриндерларга кўра, инсон бу тизимли таркиб топган, неврологик жараёнлар (“*neuro*”), тил (“*linguistic*”)ҳамда ўрганилган хулқ-атвор (бихевиористик стратегиялар)нинг ўзаро боғланган бутун тизимдир. НЛД га оид кўплаб таърифлар мавжуд. Адабий жиҳатдан НЛД “аъло даражадаги коммуникатив санъат”, Дилтга кўра (1980) “субъектив тажрибанинг структуравий таълими” каби таърифланади.

Шахсдаги ўзгариш ва ривожланишни ўрганувчи усул бўлиб, НЛД паталогик йўналтирилган усул эмас, балки ўсувчи йўналтирилган усул ҳисобланади. Нейролингвистик дастурлаштириш инсонлар ўта яратувчан ва ижодкор, улар учун энг муҳим конструктор ҳолатларда инсонлар дунёда мавжуд ранглар билан эмас, балки ўзлари тушунган ва англаган ҳолда муайян ҳодисани идрок қиласидилар ва шундай “кўрадилар”. Корзибиский (1941) буни “чегарасиз харита” деб таърифлайди. НЛДда тажрибалар мундарижасига эмас, балки муайян ҳодиса ёки предметни тушуниш структурасига эътибор бериш кераклиги таъкидланади (Bandler and Grinder 1975).

Дилт ва де Лозиэрс (2000) фикрича, НЛД уч қатlam: эпистемология, методология ва технология ёки тажрибалар “тўплами” кабиларнинг ўзаро боғланмасидир. НЛД унинг кашфиётчилари таъкидлаганидек, “кичрайтирилган нусха” методологияси сифатида танилди.

Гарчи, НЛД кўпинча амалиётда ҳосил қилинган шакллар тўплами, буюм ва техникаларга оид технология сифатида танилган бўлса-да, аслида бу инсонлар қандай қилиб маълумотни тушуниши, қандай маъно схемасини ҳосил қилиши, натижани маҳорат билан изохлай олиши сифатида тушунилади.

НЛД методологияси ортида эпистемиологик нуктаи назар, бошқача қилиб айтганда, биз идрок қилган, билган ва ўрганган жараёнлар ҳақидаги

назария ётади. НЛД га оид адабиётларда, у назария сифатида эмас, балки мантиқан бир-бирига узвий боғланган принциплар эканлиги аниқланади.

Инсониятга янги таълим мафкураси, янгича услубдаги фанлараро алоқадорлик ва инсон ривожланишининг инноватсіон дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Нейролингвистика фани нұқтаи назаридан бир қатор ҳодисалар ўзининг одатий мураккабликлар, индивидуал камчиликлар, салбий ва гайритабиий хусусиятлари мақомидан ажралиб мұхим ва типик қонуниятлар күринишига эга бўлади ва уларнинг келиб чиқиш моҳияти талаба характерининг ўзига хосликларига эмас, бош мия физиологиясининг турли типларига тегишли ҳисобланади.

Айнан шу ҳолат бир қатор нейрофанлар: нейроанатомия, нейроморфология, нейробиология, нейропсихологиянинг ютуқларини ўзида мужассам этувчи нейрофанлар – нейропедагогика ва нейролингвистиканинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Талаба шахсига нейролингвистик нұқтаи назардан ёндашган ҳолда таълим бериш бошқа педагогик воқеликлардан қатор ўзига хос афзалликларига эга бўлиб, маънавий маданиятни ривожлантириш нафақат талабанинг интеллектуал тараққиёт даражаси, балки, унинг индивидуал имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида болага ривожланиш учун мавжуд салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш имкониятини беради ҳамда унинг ижтимоий-лашуви йўлидаги сунъий тўсиқларни бартараф этади.

Талабанинг бош мияси таркибий тузилишининг ўзига хосликларини тадқиқ этувчи нейрофанлар ўқитувчиларни таълим муаммосига янгича назар ташлашга, одатий тушунчалардан воз кечиш ва тафаккур турларини ўрганиш асосида янги педагогик технологияларни яратишга ўз ижодий ҳиссаларини кўшишга сафарбар этади.

Тафаккур жараёни инсон онгининг юксак босқичи ҳисобланади. Талабанинг тафаккури интеллектуал фаолиятнинг энг мураккаб ва юксак шакли сифатида психология ва нейрофизиологиянинг тадқиқот предмети

бўлиб хизмат қиласи. Нейропсихолог ёки биолог нуқтаи назарида тафаккур – бу нейронлар гуруҳининг фаоллашувиdir. Сўнгги пайтларда жаҳон миқёсида таълим ва тарбия жараёнлари масалаларини талабанинг бош мияси тузилишининг ўзига хосликлари билан боғловчи илмий йўналишлар: нейропсихология, нейролингвистика ёки нейропсихолингвистика, психолингвистика каби йўналишлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Америкалик нейропсихологлар XX асрнинг 90-йилларини «мия ўн йиллиги» деб атадилар ва шу йўсинда педагогларнинг мазкур мавзуга нисбатан эътиборини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Америкалик нейропсихологлар томонидан берилган кўрсатмаларда таъкидланишича, ўқитувчи таълим олувчи-ларни турли шакл ва мазмунга эга бўлган ўқув-билиш фаолиятига жалб этиш, турли таълим методлари ва усулларини қўллашнинг кенг имкониятларидан фойдаланиши зарур. Айни пайтда улар бош мияни бир пайтнинг ўзида бир қанча вазифаларни ўтаётган “параллел процессор” деб аташади – мияга нисбатан ҳаддан зиёд кўп юклама ҳам, бунинг акси ҳисобланувчи етарли бўлмаган юклама ҳам бош мия ривожланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Педагогикада нейрофанлар маълумотларидан фойдаланиш зарурияти тўғрисидаги фикрлар олимлар томонидан анчадан буён илгари сурилмоқда, аммо педагогик амалиётда нейропсихология ва нейробиология фанларининг ютуқларидан кенг маънода фойдаланиш имконияти XX асрнинг охирларида пайдо бўлди.

Бош мия тузилиши ва тафаккур жараёнларининг ўзига хосликлари орасидаги алоқа жаҳон бўйлаб қарийб йигирмадан ортиқ мамлакатлар тадқиқотчи олимларининг илмий изланиши ўлароқ ўз исботини топган. Ўтган асрнинг 80-йилларида Ю.Лотман нейрофанлар муваффақиятлари асосида семиотик ва маданиятшуносликка доир тадқиқотларни амалга оширган. У бири ҳаддан ташқари моҳиятдан йироқлашган, бошқаси ташқи реал воқелик билан бирлашган тарзда мазмун-моҳиятни очишга хизмат қилувчи рақобатбардош онг турларининг навбати билан фаоллашуви ҳақидаги ғояни илгари суради.

Ушбу йўналишнинг пойдевори сифатида психологлардан Л.С.Выготский ва А.Леонтьевларнинг ёш даврлари ва педагогик психология юзасидан илмий изланишлари ва нейро-психологиянинг асосчиси ҳисобланган А.Р.Лурияning тадқиқотлари хизмат қилади. Уларнинг илмий тадқиқот фаолиятлари маҳсули болалар нейропсихологияси вужудга келишига асос бўлиб, унда нормал ва аномал ривожланишнинг умумий назарий асослари (В.В.Лебединский), онтогенезда бош мия психик функциялари механизмларини шаклланиши (А.В.Семенович, Ю.М. Микадзе) ўз ифодасини топган.

Педагогик жараёнларни инсон бош миясида содир бўладиган неврологик ўзгаришлар нуқтаи назаридан ўрганиш, яъни неврологиянинг педагогика билан синергизми нейропедагогиканинг алоҳида фан сифатида юзага келишига ва шаклланишига олиб келди. Иқтисодий хамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг Таълимда тадқиқотлар ва инноватсиялар маркази (Centre for Educational Research and Innovation (CERI)) томонидан ташкил қилинган “Мия ва таълим” деб номланган халқаро илмий лойиҳа устида ўттизта давлат институтларининг нейробиолог, педагог, психолог, социолог ва тиббиёт ходимлари илмий изланишлар олиб бордилар (Brain and Learning).

Россияда Замонавий гуманитар академия қошида Когнитив нейрология институти ташкил этилди. У ёндош профиллар мутахассислари учун дастлабки нейропедагогика юзасидан ишчи майдон вазифасини ўтади. Когнитив нейрология институти Москва давлат университети олимлари, Россия фанлар академияси Инсон бош мияси институти, психология институти, нейрокибернетика илмий тадқиқот институти, Ростов давлат университетини бирлаштиради. Мазкур йўналиш қуйидаги педагогик вазифалар билан бевосита боғлиқ: таълим жараёнида ўзлаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этишда нейропсихологик билимларни қўллаш (Т.В.Ахутина), индивидуал тафовутлар нейропсихологиясини ривожлантириш (В.А.Москвин, Е.Д.Хомская, И.В.Ефимова).

Т.А.Доброхотова бола бош мия ярим шарлари ассиметрияси функционал жараёнлари ва фикрлаш фаолияти ўзаро таъсирини изоҳлашга қаратилган бир қатор тадқиқотларни ўтказиши.

3.2. Нейролингвистик дастурлаштириш технологиясининг таълим жараёнида қўлланилиши

Ҳар қандай шахсда маънавиятнинг шаклланиши моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Ўз навбатида шахснинг маънавий эҳтиёжлари унинг миллий, диний, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан тарбияланганлиги билан узвий боғлиқ. Шу билан биргаликда моддий эҳтиёж эса кишиларнинг турмуш тарзи учун зарур бўлган моддий неъматлар билан боғлиқ. Шу маънода инсон маънавий маданиятининг шаклланиш жараёни моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг уйғунлашиб боришида яққол намоён бўлади. Маънавиятнинг шаклланиш жараёни инсоният бутун тарихи давомида қўлга киритган фан, маданият, таълим, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий муносабатлар ва бойликларга асосланади.

Инсоният XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига келиб дунё ягона жамият сифатида тўла барқарор ривожланиши мумкинлигини англаб этди. “Бизнинг кунларимизга қадар, инсоният жамияти яхлит бир ягона жамият сифатида мавжуд эмас эди”, - деб ёзган эди социолог Энтони Гидденс. Икки аср яъни XX ва XXI аср чегарасида жаҳонда юз берган бир қатор ижтимоий-мафкуравий ҳолатлар, глобаллашув ва интегратсия жараёнлари дунёни бир томондан кўп қутбга ажратган бўлса, иккинчи томондан эса, бир-бирига узвий боғлаб қўйди. Глобаллашув билан боғлиқ жараёнлар дунё тараққиёти ва мамлакатлар иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўтказаётган таъсири барқарорлик ва хавфсизлик масалаларини долзарблаштирум оқда.

Глобаллашув жараёни ҳозирги замон ижтимоий тараққиётини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий қамраб олган шароитда шахс маънавий маданияти ривожига эҳтиёжнинг ошиб бориши тамойилларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, бу жараён энг кенг қамровли ва мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланиб, унинг ривожланиши ва ҳаётга татбиқ қилинишининг асосий омиллари: турли халқ ва миллатлар ўртасидаги байналмилалчилик хусусиятларини шакллантиришни; шахс маънавий маданиятини тинимсиз бойитиш ва янги сифат даражасига кўтаришни; шахснинг манфаати ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни; миллий ва диний қадриятларнинг халқ маънавияти ривиожланишига кучли таъсирини инобатга олиш зарур. Демак, шахснинг бу жараёндаги иштирокининг фаоллиги унинг мавжуд манфаат ва эҳтиёжларни англағанлик даражаси, маънавий маданиятни ривожлантиришга эҳтиёжининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлади.

Маълумки, филологик таълимнинг асосини рамз, тимсол, символ, сўз, тасвир кўринишида ифодаланиб, шахснинг интеллекти, дунёқараши ва тафаккурининг ривожланишига хизмат қиласди. Албатта, мазкур жараёнда шахснинг нарса-ҳодисага, воқеликка шахсий муносабати муҳим роль ўйнайди. М.Қуронов таъкидлаганидек, “Ўзаро сухбат ёки тарбия, тарғибот мақсадларида билиб ёки билмасдан киши ўз фикри орқали ўз муносабатларини ҳам тарқатади. Натижада бир кишининг муносабати юзлаб кишиларнинг у ёки бу нарса, ҳодисага муносабатига айланиши мумкин. Чунки киши кўпинча ёнидаги сухбатдошини нимагадир ишонтиришга, унинг хулқ-авторини ўзгартиришга, ўз фикрини унинг фикрига айлантиришга, ўз истакларини кўпнинг истакларига, ўз эътиқодини кўпнинг эътиқодига айлантиришга ҳаракат қиласди”. Бир сўз билан сухбатдошини ўз мақсадлари сари етаклашга, ўзининг нуқтаи назарига ишонтириш ва инонтиришга ҳаракат қиласди. Замонавий фан нуқтаи назаридан айтганда, нейролингвистик дастурлаш технологияларидан фойдаланади.

Филологик таълимда айнан нейролингвистик дастурлаш технологиясини татбиқ этишга бугун алоҳида эҳтиёж туғилмоқда. Нейролингвистик дастурлаш талабанинг субъектив тажрибасини, унинг фикрлаш, хулқ ва коммуникатив жараёнларини ифодалаш усули сифатида атроф-оламни ўзи ва бошқалар томонидан тўғри идрок қилишни, самарали

мулоқотни ташкил этишга ёрдам беради. Нейролингвистик дастурлаш талабанинг хулқ-автор стратегиясини таҳлил этиш асосида уни муваффақият билан қўллаш имконини беради.

Нейролингвистик дастурлаш – таълимнинг гуманитар технологияси ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси талабаларда мънавий маданиятни ривожлантиришга доир кафолатланган натижаларга эришиш учун унда самарали мулоқот техникасини шакллантириш, ўзи ва ён-атрофдаги кишиларнинг хулқ-авторини онгли равишда ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятга тайёрлашдан иборатdir.

“Нейролингвистик дастурлаштириш” технологиясининг моҳияти М.Куруновнинг “Биз англаётган ҳақиқат” китобида қуйидаги тарзда ўзининг қисқа ва аниқ ифодасини топган: “Инонтiriш бу – бир кишига бирор ғояни бошқа киши (ёки восита) томонидан ҳаяжонли лаҳзалар ҳосил қилиб ёки ҳамма тан оладиган манбаларга боғлаб сингдириш усули. Инонтiriш ишонтиришнинг олий кўриниши. Ўзини ўзи инонтiriшда ҳам шу жараён кечади. Бироқ бунда фикр, ғояни киритишда ташқи омил эмас, балки шахснинг ўз ҳис-туйғулари иштирок этади”.

Нейролингвистик дастурлаштиришнинг учта асосий элементи мавжуд: “нейро” – нерв тизимининг мия ва тана ўртасидаги алоқадорлигини; “лингвистика” – сўзлар ва тил воситадаси ўзаро таъсир кўрсатишни; “дастурлаштириш” – фикр ва ҳаракатларни кетма-кетликда такрорланиб туришини тизимга солишини англатади. Демак, инсонни тил ва сўзлар воситасида фикри ва хатти-ҳаракатини бошқариш нейролингвистик дастурлаштиришнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

3.2. Нейролингвистик дастурлаштиришнинг айрим усул ва техникалари

Филологик таълимда нейролингвистик дастурлаштиришнинг хилма-хил усул ва техникаларидан фойдаланиш мумкин. Қуйида ана шундай нейролингвистик дастурлаштириш техникаларидан айримларига тўхталиб ўтамиз:

1. Мослашиш ва бошқариш. Мазкур техника лингвистик дастурлаштиришнинг асосини ташкил этиб, талабанинг маънавий хулқатворига муваффақиятли таъсир этиш учун унинг ҳаракатлари (холати, кайфияти, қўз қараси, гавдани тутиши, қўл ва оёқларининг ҳолати)га мослашиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабага аниқ йўналтирилган таъсир кўрсатишда нафас олиш ритмига мослашиш яхши самара беради. Бунинг учун талабанинг нафас олишини кузатиш, нафас олган вақтида жим туриш, аксинча у нафас чиқараётганда унги мурожаат қилиш лозим. Натижада талабанинг онг ости ҳолатида унга айтилаётган гаплар худди ўзи томонидан айтилаётганидек, таассурот қолдиради. Айтайлик, талабанинг унга берилган танбеҳдан жаҳли чиқяпти. Мазкур ҳолатда ўқитувчи ҳам худди жаҳл қилгандек физиологик ҳолатга кириши, яъни талабанинг вазиятига мослашиши талаб этилади. Ана шу суръатда сухбатни давом эттириш, аста-секинлик билан ўқитувчи ўз психик ҳолатини мўътадиллаштириш зарур. Талаба ўз навбатида ўқитувчининг тинч ҳолатига мослашади ва босиқлик билан вазиятга ёндашади.

2. Стереотипларни бартараф этиш. Маълумки, ҳамма инсонлар сингари талабаларнинг мияси ҳам доимий ва ўзгармас информатсиялар билан ишлашга мўлжалланган. Ўзи истаган хатти-ҳаракатни амалга оширишга тўскинлик қилиниши эса, уларда транс ҳолатни юзага келтириб, уларнинг хулқ-атворига самарали таъсир этиш имконини беради. Мазкур ҳолатда айниқса, дахлдорлик, ҳамкечинмалик, кескинлик ва бартараф этишга йўналтирилган педагогик вазиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Даҳлдорлик вазиятида талабаларни замонамизнинг долзарб муаммолари билан бевосита алоқадорлигини англаш, дунёда юз берәётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси учун масъулиятни ҳис қилиш зарурати туйғуси таркиб топтирилиб, ён атрофдаги кишилар кайфияти ва манфаатларини сезиш ва улар билан ҳисоблашиш малакасини ишлаш билан бир қаторда бу вазиятда талабаларда эзгу мақсадга эришиш воситалари ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Ҳамкечинмалик вазиятида ўқитувчи талабаларни қандайдир

маънавий тубанлик билан боғлиқ воқелик билан тўқнаштиради. Мазкур ҳолат эмоционал (талаба у кишига қанчалик қийин эканини тасаввур қиласди), мантикий (вазиятларни ҳал қилишнинг энг яхши йўлларини излаш), шунингдек фаолиятли (ўз муносабатини белгилаш ва шу вазиятда ўз хулқатвор йўналишини белгилаш) даражаларида рўй беради. Кескинлик вазияти қандайдир узоқ муддат давомида шахснинг жиддий маънавий-ахлоқий ҳистийгуларини фаол тарзда тутиб туришга қаратилган бўлиб, мазкур ҳолати талабаларни ахлоқий барқарорликни намоён этишга мажбур қиласди. Фаолият қанча узоқ муддатли ва кескин бўлса, талабадан талаб қилинадиган ахлоқий кўринишлар барқарорлиги шунча юқори бўлади. Кейинроқ маънавий-ахлоқий стереотипларни бартараф этиш вазиятидаги кўринишларга зарурат юзага келади. Талабалар ўқитувчининг жаҳл қилишини, анъанавий айтиладиган фикрларни билдириши, жиддий маъруза қилишини кутишади, бироқ талабалардаги стереотипларни бартараф этиш учун мазкур ҳолатда улар кутмаган тарзда сермулозаматда бўлиш, ностандарт вазиятларни ўртага ташлаш, маъруза ўқиш жараёнида кулги-мутойибдан фойдаланиш талаб этилади.

3. Бузғунчи миш-мишларга қарши кураш. Мазкур техника профилактик тадбирлар сирасига кириб, талабаларни миллий маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий шахсларга нисбатан ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш имконини беради. Бунинг учун талабалар онги ва қалбига кириб, уларнинг ислоҳотларга ишончини сўндириш мақсадида тўқилган миш-мишлар ўқитувчи томонидан илмий асосда ўрганилиб, тизимлаштирилиб, заарсизлантирилиши керак. М.Қуроновнинг фикрича, миш-мишларга қарши тарғиботда ўқитувчи-мураббий қаршисида икки йўл пайдо бўлади: 1) индамай қўя қолиш (бу эса тарқалган миш-мишга нисбатан ҳаракатсизликни ёки уни рағбатлантиришни англатади); 2) фош қилиш (лекин бу ҳам фош қилинаётган вайронкор миш-мишларнинг янада тарқалишига сабаб бўлиши мумкин-да!). Олим ўз фикрини давом эттириб, тарғибот-ташвиқот тарихида бунинг ечими сифатида миш-мишни тўғридан-

тўғри фош қилиш эмас, уни фактлар ёрдамида титиб ташлаш керак, деб изоҳлайди. Демак, талабалар ўртасида маънавий таҳдид кўринишидаги мишмишлар пайдо бўлса, ўқитувчи унинг бузғунчи таъсирини йўқотувчи тренинг машғулотлари, видеоролик ва кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиш лозим.

4. Лоқайдлик – иродасизликнинг олдини олиш. Мазкур техника талабалар онгида янги ғоя ва истакларни, бунёдкорлик туйғусини қарор топтиришга йўналтирилган бўлиб, иккиланиш ва ирома энергиясининг сустлигини бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун ўқитувчи энг аввало, талабаларда ўз куч ва имкониятларига ишончни қарор топтириши лозим. Ишонч эса ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг учун талабаларга айтилаётган фикрлар амалиёт билан боғлаб қайта-қайта эшиттирилиши, кўргазмали, образли тарзда тақдим этилиши, синовдан ўтган мисоллар асосида сингдирилиши мақсадга мувофиқ. Ишонч эса, ўз навбатида истак ва ниятни пайдо қиласи ва ҳаракат манбаи – иродага энергия беради.

